

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳих:** Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишига руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

**М.Исамиддинов**

Қадимги Фарғона ва Суғд кулолчилигини ўрганишнинг айрим долзарб масалаларига доир ..... 72

**Б.Усмонов**

Фарғона водийси Темурийлар даври тарихининг жаҳон темуршунослигига ўрганиши ..... 77

**Лианг Юн, Н.Камбаров**

Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари ..... 81

**О.Пуговкина**

Туркистонда 1917 йил февраль инқилоби: Туркистонда "собиқ" империя амалдорларига бўлган ижтимоий эҳтиёж ва уларнинг сиёсий фаоллиги ..... 90

**А.Ўткиров**

Хайрия ва ҳомийлик феномени илмий-назарий таҳлили ..... 98

**С.Хакимова**

XIX-XX аср боши тарихий манбаларида Ўзбекистон ҳудудидаги сув ҳавзаларига оид маълумотлар ..... 103

**С.Анаркулов**

Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг этник тарихи ва таркиби ҳусусида ..... 110

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**З.Қобилова, Н.Турсунова**

Татаббулар силсиласи ..... 118

**П.Туропова**

Услуб жилолари ёхуд адаб маҳорати ..... 123

**Д.Гуломов**

Ретроспектив сюжет ҳусусида айрим мулоҳазалар ..... 128

**М.Махмудова**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида сув иншоотлари ва боғдорчилик санъати ..... 134

## ТИЛШУНОСЛИК

**Р.Сайфуллаева, Н.Ғайбуллаева**

Тиббий эвфемизмларнинг социал ҳосланиши ..... 138

**Т.Эназаров, С.Ғаниева**

Инглиз ва ўзбек тиллардаги аёллар исмларининг келиб чиқиши тарихидан ..... 145

**М.Мамажонов**

Антропонимларни дискурс релевантси сифатида тадқиқ этишнинг лингво-этномаданий асослари ..... 150

**Ж.Абдуллаев**

Тил қурилишининг асосий бирликлари академик Азим Ҳожиев талқинида ..... 155

**Д.Собирова**

Ўзбек болалар шеърияти морфопоэтикаси ..... 160

**Д.Шокирова, Ш.Шокиров**

Инглиз тилида "property-мулк" концепти тадқиқи ..... 164

**Н.Абдурахмонова**

Ўзбек тили электрон корпуси учун матнлар репрезентативлиги масаласи ..... 169

**А.Мусоева**

Cefr-нинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар ..... 174

УДК: 811.111`37:811.512.133`37

ИНГЛИЗ ТИЛИДА “PROPERTY-МУЛК” КОНЦЕПТИ ТАДҚИҚИ  
ИЗУЧЕНИЕ ПОНЯТИЯ “PROPERTY – СОБСТВЕННОСТЬ” В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ  
ANALYSIS OF THE CONCEPT OF “PROPERTY” IN ENGLISH

Шокирова Дилорам Абдували қизи<sup>1</sup>, Шерали Иброхимович Шокиров<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Шокирова Дилорам Абдували қизи

– Андикон даевлат университети, факультетларарочет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

<sup>2</sup>Шерали Иброхимович Шокиров

– Андикон даевлат университети, факультетларарочет тиллар кафедраси мудири. ф.ф.б.ф.д.

**Аннотация**

Мақола инглиз тилида “мулк” концептига эга бўлган сўзларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишига багишланган бўлиб, унда инглиз тилидаги бундай лексемаларнинг ахборот етказишидаги роли ва уларнинг стилистик хусусиятлари ёритилгаан.

**Annotation**

Статья посвящена анализу семантических особенностей слов с понятием «собственность» в английском языке, что объясняет роль таких лексем в английском языке в передаче информации и их стилистические особенности.

**Annotation**

The article is devoted to the analysis of the semantic features of words with the concept of "property" in the English language, which explains the role of such lexemes in the English language in the transmission of information and their stylistic features.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** концепт, когнитив, лингвокультурология, структура, прототип, молекула, патент, инструмент.

**Ключевые слова и выражения:** концепт, когнитивный, лингвокультурология, структура, прототип, молекула, патент, инструмент.

**Key words and expressions:** concept, cognitive, linguoculturology, structure, prototype, molecule, patent, tool.

Маълумки, дунёни билиш жараёнида тафаккур тизими билан тил тизими бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо этадиган ҳодисалар сифатида юзага чиқади. Таникли рус тилшунос олими С.Д. Кацнельсоннинг таъбири билан айтганда, “тафаккур тизими тил тизими томонидан тақрорланади, тафаккур тизимининг асосий структурал хусусиятларини тақрорласа ҳам ундан моҳияткан (кескин) фарқ қиласи” [7,471].

Атроф-муҳитдаги реал дунёни билиш жараёнида инсонда ўша атрофдаги нарса ва ҳодисаларни таниш (тушуниш) ва улар ўртасидаги узвийи боғлиқлик ҳақида тасаввур (концепт) ҳосил бўлади. Инсоннинг дунёни билиши жараёнида концептларнинг шаклланиши инсон сезги органларининг, унинг асаб тизими ва мияси ҳамкорлигидаги фаолияти натижасида ҳосил бўладиган туйғу асосида инсон онгида бизни ўраб турган

борлиқнинг субъектив образи тарзида рўй беради.

“Концепт” масаласига келсак, унинг хусусиятлари ҳақида куйидагиларни эслатиб ўтиш зарур туюлади.

Когнитив тилшунослик ёки когнитологиянинг илгари сурадиган ғоялари асосийларидан бири шуки, унга кўра инсоннинг объектив реаллик, яъни ташқи олам ҳақидаги билимлари ва тасаввурлари концепт шаклида, яъни инсон фаолиятининг турли жабҳаларини акс эттирувчи мавҳум ақлий маҳсулот сифатида шаклланади ва киши онгида сакланади. Тафаккур жараёнида инсон концептлар асосида фикр юритади, уларни ўзаро бирлаштириб янги концептлар ҳосил қиласи.

«Концепт» атамаси дастлаб 1928 йилда рус тилшуноси С.А. Аскольдов томонидан кўпланилган ва илмий истеъмолга киритилган. [6,1997,267-279].

## ТИЛШУНОСЛИК

ХХ асрнинг 80-йилларида келиб бу атама тилшуносликда кенг қўлланила бошлади. Ҳозирги кунда бу атама тилшуносликнинг когнитив лингвистика, лингвокультурология, каби соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Концепт ташқи дунё таъсири остида инсон онгидаги шаклланади ва тафаккур жараёнида инсон фаолиятининг тажрибаси ва билимини акс эттиради.

Концепт ташқи оламдаги нарса ва ҳодисалар ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги информацияни шакллантириш жараёнида туғилади. Бу информация бизни ўраб турган ташқи олам ва ундаги нарса, воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бу маълумотлар инсон кўрган, сезган, туйган, билган, тахмин қилган ёки тасаввур қилган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади.

«Концепт» тушунчасининг семантикасини тасвирилашда кенг қўлланилади. Тил бирликларининг ва ибораларнинг маъноси уларда мужассам бўлган концептларда акс этади. Бунда концепт сўзининг маъноси билан мутаносиб бўлган тушунча сифатида қабул қилиниши мумкин, сўзининг маъноси эса, ўз навбатида, «тил белгиси қамраб олган концепт» сифатида тан олинади.

Концепт тил белгисининг маъно планини акс эттириб, маълум тил бирлиги орқали ифодаланади. Бунда, афтидан, тил воситалари ўзи ифодалаган маъноси билан концептнинг бир қисменигина акс эттиради.

Тилшуносарнинг тан олинган фикрларига қараганда, концептлар прототипик (поғонали) структурага эга, уларнинг структураси «марказ-периферия» тамойили асосида шаклланган.

Ушбу фактнинг тасдиғи сифатида айнан бир концептнинг ҳозирда мавжуд бўлган кўплаб синонимлари ва турли таърифларини эслатиш кифоя.

Инглиз тилидаги “property” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз. Вебстернинг “Инглиз тилининг учинчи янги халқаро луғати” (Webster’s third new international dictionary of the English Language”, Könemann, 1993, Р. 1818)да от сўз туркумига кирувчи “property” сўзи Ўрта асрлар инглиз тилида “proprete”, ўрта аср француз тилида ““proprete, proprius”, лотин тилидаги “proprietat-, proprietas”, унинг асл ва

етакчи маъноси “proprius own, particular” (мулк эгаси) эканлиги ёзилган [5. Р. 1818]:

“Property” сўзининг бошқа маъноларини луғатдаги кетма-кетлиқда таржима усули орқали қуидагича аниқладик:

(1) а) шахсга ёки нарсага тегишли сифат ва хусусият: индивидуал шахсга берилган сифат “кўз – бу, инсонга берилган мулк” “the eye has this strange property”; б) моддий нарса ёки модданинг бошқа обьектга ёки кузатувчининг бир ёки бир нечта ҳисларига таъсир этиши (*tabiati объектларининг хусусиятлари маълум нарсаларга тегишли бўлган нарсаларни ўзлари ва ўзи учун англатмайди, балки ҳар доим ҳам ўзаро боғлиқликни англатади*); (минералнинг оптик хусусиятлари), *the properties of the objects of nature do not signify property anything proper to the particular objects in and for themselves, but always a relation to a second object (including our sense organs)* H.L.P. von Helmholtz) (*alkaline properties of ammonia*) (*optical properties of a mineral*); с) маҳсус қувват ёки қобилият: *VIRTUE*; шифобаҳш хусусиятлари туфайли булоқ сувига тааллуқли бўлганлиги сабабли машҳур курорт мулки; *health resort property popular because of the healing properties attributed to the water of its spring property America. Guide Series: (rhythm is a property of words —C.H.Rickword)*. д) (1) синф ёки турнинг барча аъзолари учун хос бўлган белги, хусусият ёки фарқловчи белги (оқсил молекулалари... ўзларини кўпайтириш қобилиятига эга бўлган муҳим хусусият деб аталади). (2) Аристотелия мантиқи: (*турга хос ва ўзига хос хусусият, лекин унинг моҳиятига кирмайдиган ва таърифида мавжуд бўлмаган белги*): *PROPRIUM* - (шунингдек кераксиз мулк деб ҳам аталади); *PREDICABLE* - билан таққосланг (nonessential property);

2. а) эгалик қиласидиган ёки эгалик қилинадиган нарса: *wealth goods; specif. a piece of real estate* (аниқланг: кўчмас мулк бўлаги), (*the house . . . surrounded by the property* G.G.Weigend). б) нарсага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишнинг мутлак ҳуқуқи: қимматли ҳуқуқ ёки манфаат, асосан бойлик манбаи ёки элементи: *OWNERSHIP* (*all individual is property a form of monopoly* -Edward Jenks); с) шахс қонуни унвонига эга бўлган нарса: моддий бойликларда (ерлар, моллар, пуллар каби) ёки шахс томонидан қонун билан

ҳимояланган ҳуқуқа эга бўлган (муаллифлик ҳуқуқи, патент сифатида) ёки номоддий ҳуқуқдаги мулк. 3. PROPERTY, FITNESS (МУЛК, ФИТНЕСС): 4. а: бўялган манзаралар ва актёrlар "костюмлари" дан ташқари, спектаклда ёки кинофильмда ишлатиладиган ҳар қандай мақола ёки буюм б: мақсадга эришиш учун восита: TOOL (impossible I should love thee, but as a property) **syn see** QUALITY.

Берилган таърифларга қўшимча тарзда яна бир луғат маълумотларини қўшиш мумкин. А.С.Хорнбининг 2000 йилда чоп этилган "OXFORD ADVANCED LEARNER'S DICTIONARY OF CURRENT ENGLISH" луғатида берилишича, яна шундай маъноларини кузатишимиш мумкин [4: Р. 1016]:

- Кимгadir тегишли мулк: *This building is government property. Be careful not to damage other people's property — see also INTELLECTUAL PROPERTY, LOST PROPERTY, PUBLIC PROPERTY.*

- Шахсий ва умумий мулк: *The price of property has risen enormously, o property prices, a property developer;*

- Бино ёки бинолар ва унинг атрофидаги ерлар: *There are a lot of empty properties in the area;*

- Бирор нарсага тегишли бўлган сифат ёки хусусият: *Compare the physical properties of the two substances, o a plant with medicinal properties.*

Бундан ташқари "мулк" семантикасининг кўйидаги кўчма маъноларини ҳам кузатдик.

- **PROPERTIED** – 1. мулкка эга бўлиш, 2. саҳна ёки саҳна орти;

- **EXPLOIT** (таърифлар) - воситасини ясаш (Бирор нарсанинг мазмунини, маъносини очиб бериш, ойдинлаштириш, тушунтириш (шакллантириш): (*This brilliant exploit earned him his captain's commission and a sword of honour from*), (Убу ажойиб эксплуатация сабабли капитаннинг топшириғига ва шарафли қиличига сазовор бўлди);

- **APPROPRIATE** – МУВОФИҚ (*That suit is appropriate for the wedding*) (Ушбу костюм тўйга мос келади).

Концептлар содда ва мураккаб тузилишга эга бўлиши мумкин. Содда концептлар кўпроқ семантик маънога эга бўлиб, ҳалқнинг турмуш тарзига унчалик боғлиқ эмас. Улар барча тилларда ўзларининг лексик маъносига эга ва уларни

лексик универсалиялар тоифасига киритиш мумкин. Мураккаб характердаги концептлар эса ўша тилда сўзлашувчи ҳалқнинг узоқ ийллар давом этган жараён – ҳалқнинг турмуш тарзи асосида шаклланган тушунча, масалан, идиоматик характердаги фразеологик бирикма базасида ҳосил бўлган тушунча сифатида тасаввур қилиниши мумкин.

"**Property**" сўзи **damage**, **insurance** сўзлари билан бирлашиб, сугурта қилдирувчининг ўз автомашинаси томонидан бошқаларнинг мол-мулкига етказилган зарар учун қонуний жавобгарлигидан ҳимоя қилиш каби маънода келади; *For example; Property damage liability coverage is required by law in most states.*

Кўчмас мулкнинг асосий қўйматининг даромаддан фарқли равища ошишига солиқ ва х.к. **property-increment tax**. *For example; Property-increment tax definition is - a tax on increase in the value of the principal of an estate as distinct from income actually realized.*

Бундай ҳолларда "мулк" инсонга бойлик сифатидагина эмас, балки ўзи яшаётган оламидаги жамиятга, давлатга ўзига хос инструмент (восита) вазифасини бажарайти.

"Мулк"нинг қўйидаги хусусиятларини ҳам таъкидлаш лозимдек кўринади:

"**Property**" семасига эга бўлган лексемалар **man** ёки **master** каби сўзлар билан кўчма маънода қўлланилиб, "мулк" – "театр ёки кинофильм саҳна хусусиятларини сотиб олиш ва бошқариш билан шуғулланадиган киши"- иккинчи маъноси; "кўмир конида ишлатиладиган ускуналар учун масъул бўлган киши" - каби метафорик моделлар ҳосил қиласи. *For example; A property master, at least in the world of film, is the person responsible for all portable objects (props) on a set.*

Шунингдек "**property**" сўзи **right** сўзи билан бирлашиб, икки хил маънода келади 1. Шартномалар тузиш, иш олиб бориш, меҳнат қилиш ёки мол-мулқдан фойдаланиш ва тасарруф этиш учун конституция билан ҳимояланган ҳуқуқ. 2. Шахсга нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, муайян мулкка қарши қонуний ҳуқуқ ёки манфаат. *For example; Property rights are constructs in economics for determining how a resource or economic good is used and owned.*

## ТИЛШУНОСЛИК

Courts are filled with claims to property rights that are disputed by other parties.

Бундай моделларни айрим мақол ва маталларда ҳам учратиш мүмкін: **Property will not earn life, but life will earn property, They call one "generous" and make one lose one's property, they call one "brave"; – (Мулк ҳаётга эга бўлмайди, лекин ҳаёт мулкка эга бўлади); (Улар бошқаларни "сахий", яна бирини "жасур" деб аташади ва ўз мол-мулкидан маҳрум қилишади) – мақолида эса "мулкка, мол-мулкидан" – сўзларига метафорик модели кўлланган.**


Ушбу мисолларга таянган ҳолда айтиш мүмкинки, инглиз тилида "property-мулк" семасига эга бўлган сўзлар инсоннинг ички ва ташки дунёси ўртасидаги ўзига хос чегара ролини бажарайти.

Метафорик моделлар билан бир қаторда инглиз тилида "property-мулк" сўзи инсон хаётидаги метонимик моделларда ҳам кўлланилади. Мсалан: **insurance** - сўзи билан бирикиб "тўғридан-тўғри йўқотиш ёки зарарни суғурта қилиш ёки бошқалар ўз вазифаларини бажармаганлиги сабабли йўқотиш" таржимасида келади. M: *The three types of property insurance coverage include*

*replacement cost, actual cash value, and extended replacement costs.*

"Мулк" сўзи танҳо ҳолатда ва сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар таркибида турли, тўғри ва кўчма маъноларни ифода этиб келиши мүмкін. Таҳлиллар уларнинг бир қисми таржима тилида мос эквивалентларга эга бўлса, баъзилари мос бирликларга эга эмаслигини кўрсатди. Масалан: *prop-тиргак, prop up-қўлламоқ, pecuniary* – мулкий, *estate agent* – мулк агенлиги, *propriety -тиргак, plentyful-тўқин-сочин, productive-унумдор, chattel* - мулк, *estate* - мулк, *ownership of* - мулк, *quality* - мулк, *poverty- stricken* – қашшоқлашган, *property developer* – мулк тузувчи, *property ladder* – мулк нарвон, *property management* – мулкини бошқариш, *property owner* – мулк эгаси, *property owning* – мулкий эгалик, *keep possession of* – мулк сақлаб, *get possession of* – мулк олиш, *prop-er-ty-less* - (тиргаксиз) мол-мулк етишимаслиги ва ҳоказо.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, мулк семантикасининг асосий ҳолатини ифодаловчи тил омиллари когнитив жараёни босқичларини чизма асосида ифодалашга ҳаракат қиласиз.



Юқорида зикр қилинган мулҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мүмкинки, "мулк" концептнинг ядрои тил эгалари учун фаол ассоциация ҳосил қиласи, камроқ аҳамиятга эга бўлганлари эса перифериядан жой олади ва марказдан узоқлашган сари улар (ассоциация)нинг маъноси ҳам сусайиб боради. "Мулк" концептнинг ядрои сифатида сўзловчи онгиди ҳосил бўлган асосий тушунча (тасаввур) тан олинади. Унинг перифериясини эса ядронинг когнитив хусусиятини баҳолайдиган ва изоҳлаб,

талқин қилиб бера оладиган майдон ҳосил қиласи.

Концепт инсон ва уни ўраб турган ташки олам ҳақидаги билимлари ўртасида когнитив алоқани акс эттириб беради. Концептни когнитив категория сифатида ўрганиш кўп аспектлардан иборат ва у тилшунослар учун бир тил материалида ҳам, бир неча тиллар материалида ҳам ўрганиш обьекти сифатида қизиқиш уйғотади. Демак, инсон фаолиятининг турли соҳаларига алоқадор бўлган айнан бир

нарса концептнинг турли хусусиятларини ўзида акс этиради.

**Адабиётлар:**

1. Сафаров Ш. Семантика. - Т., 2013.
2. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони).- филол. фанлари док. Автореферат. -Т., 1999.
3. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. -Т.: Маънавият, 2004.
4. Hornby A.S.OXFORD Advanced Learner's dictionary. sixth edition/ Edited by Sally Wehmeier. OXFORD UNIVERSITY PRESS, 2000.
5. Webster's third international dictionary of the English language. Könemann.1993.
6. Аскольдов С. А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. М., 1997.
7. Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: из научного наследия / С.Д. Кацнельсон. М.: Яз. Славянской культуры, 2001.
8. Шокиров Ш. Турли тизимли тилларда «кўз» лексик-семантик майдони ва уни ташкил этувчи тил бирликлари типологияси:ф.ф.ф.док. афтореферати. - Т., 2020.
9. John Galsworthy. Apple Tree and other stories [Text]. J. Galsworthy. - M.: Изд-волит. наиностр.яз, 1961
10. William Somerset Maugham. Cakes and Ale or the Skeleton in the Cupboard [Text]. W. S. Maugham. – M.: Менеджер, 2000.

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))